

Тошкент Тиббиёт Академияси Ижтимоий фанлар кафедраси

МАВЗУ

Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти

14-маънавият соат

Маърузачи: Искандаров Ш.А. – Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси



Амир Темур бизнинг шаън - шавкатимиз,
ғурур-ифтихоримиздир. Амир Темур-
халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий
қудратимиз рамзидир...

Амир Темур - шахсини идрок этиш-
тарихни идрок этиш демакдир. Амир
Темурни англаш-ўзлигимизни англаш
демакдир. Амир Темурни улуғлаш-тарих
қабрига чуқур илдиз отган томирларимизга,
маданиятимизга, қудратимизга асосланиб
буюк келажагимизга ишончимизни
мустаҳкамлаш демакдир.

И. А. Каримов

Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз



Биз ким – мулки Турон амири Туркистонмиз

**Биз ким – миллатларнинг энг қадими
ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз**

АМИР ТЕМУР

Амир Темур – буюк давлат асосчиси

Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушни қилич билан амалга оширдим

АМИР ТЕМУР

- Амир Темур ибн Тўрағай Баҳодур 1336 йил 9 апрелда Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хожа Илғор қишлоғида таваллуд топган. Оналари Такина хотун, Бухоро садр аш-шаъриасининг қизи;
- Соҳибқирон Амир Темур ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси илм-фан ва маданият ҳомийси;
- Амир Темур Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солган. Бундан ташқари Амир Темур давлатига Кичик Осиё Сурия, Миср ва шимолий-ғарбда Қуйи Волга, Дон бўйлари; шимолий-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёсигача; жанубий-шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар бўйсундирилган;
- Амир Темур ўзининг илк ҳарбий фаолиятини қўл остидаги навкарлари билан айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган; уларнинг ўзаро курашларига қатнашиб, жасорат кўрсатган, жангларда чиниққан, ҳарбий маҳоратини оширган;
- У асосан XIV аср 60-йиллар ўрталарида ўз сиёсий фаолиятини бошлаган, мамлакатда ҳукм сурган тарқоқлик ва мўғул зулмига зарба бериш мақсадини илгари сўрган;

Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги фаолияти

- Амир Темур мўғул ҳукмдори Туғлуқ Темур ва унинг ўғли Илёсхожага қарши фаол курашлар олиб борган;
- 1365 йилда Тошкент ва Чиноз оралиғида мўғуллар билан олиб борган йирик жанги “Лой жанги” номи билан тарихда қолган;
- 1370 йил 10 апрелда Амир Темур Мовароуннахрнинг ҳукмдори бўлиб, тахтга ўтиради;
- Амир Темур давлатига икки хавф мавжуд эди: биринчиси маҳаллий ҳукмдорларнинг бошбошдоқлиги, иккинчиси мўғуллар хавфи;
- Мўғулистон билан Оқ Ўрда ҳукмдорлари Фарғона водийсининг шарқи, Ўтрор, Ясси (Туркистон) ва Сайрам шаҳарларига хавф солиб, бу ҳудудларга тез-тез ҳужум қилар ва аҳолини талон-тарож қиларди;
- Амир Темур исёнчи амирларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди;
- Шибирғон вилояти бўйсундирилган;
- Хоразмни Амир Темур Чиғатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблаб, уни ўз давлатига қўшиб олиш сиёсатини тутди;
- Амир Темур Хоразм сўфийларига қарши беш марта юриш қилди ва 1388 йилда унинг ҳудудлари Амир Темур давлатига бўйсундирилди;
- Йигирма йил (1371-90) мобайнида Соҳибқирон Мўғулистонга етти марта юриш қилиб, мўғул ҳукмдорлари Анқотўра ва Қамариддин устидан ғалаба қозонди.

Амир Темур томонидан марказлашган қудратли давлатга асос солиниши

•1361-1365 йиллар Мўғулистон хони Туғлуқ Темур ва унинг ўғли Илёсхўжага қарши уруш;

•1370-йили Амир Хусайнга қарши Балхга юриш ва уни бартараф этиш;

•1370-1371-йилларда Фарғона, Ўтрор, Ясси, Тошкент, Хисор, Бадахшон, Қундуз бўйсундирилди.

•1381-йили Хирот, Сеистон, Мозандарон, Сарахс, Жом, Кавсия, Сабзавор бўйсундирилди;

•1371-1389-йилларда жами 7 марта Мўғулистон хукмдорларига қарши курашди ва бўйсундирди;

•1371, 1373, 1375, 1379, 1388-йилларда Хоразмдаги сўфийлар сулоласи хукмдорлари: Хусайн, Юсуф ва Сулаймон Сўфийларга қарши кураш олиб борди;

•Хоразмни ўз давлати худудига қўшиб олди.

Амир Темур фаолиятининг икки босқичи

1. 1370-1386 мўғул зулмига барҳам берилган, мамлакат ягона давлатга бирлаштирилган, давлат бошқарув асосларини кучайтирувчи ички сиёсат олиб борилган.

2. 1386-1405 мамлакатнинг салтанатга айланиш даври. 27 давлат бирлаштирилади. Давлатнинг обрўси ошиб Шарқнинг энг қудратли салтанатига айланади.

Олтин Ўрдага қарши кураш

Амир Темур шу билан бирга шимолий-ғарбдан, яъни Олтин Ўрта томонидан бўлаётган тазйиққа барҳам бериш мақсадида Тўхтамишга қарши уч марта кўшин тортишга мажбур бўлди

1-жанг 1389 йилда Дизак (Жиззак)нинг Аччиқ мавзеида бўлиб ўтган

2-жанг 1391 йилнинг 18 июнида (ҳозирги Самара билан Чистополь шаҳарлари оралиғида жойлашган Қундузча (Кондурча) дарёси водийсида бўлган

3-жанг 1395 йилнинг 28 феврилида Шимолий Кавказда Терек дарёси бўйида Тўхтамиш кўшинига қақшатқич зарба беради

Амир Темур ҳарбий юришлари оқибатида Қуйи Идил (Волга) вилоятлари, Сарой Берка, Саройчик ва Ҳожитархон (Астрахон) каби шаҳарлар вайрон қилинди

Амир Темур Тўхтамишни қувиб Рязань вилоятигача борди ва Елец шаҳрини ишғол қилди

Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси фақат Марказий Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек, тарқоқ Русь князликларнинг бирлашиши учун ҳам буюк аҳамият касб этган

Амир Темурнинг ташқи юришлари

1381 — 84 йиллар давомида Амир Темур Эроннинг катта қисмини эгаллади. Аввал (1381) Калот, Туршиз ва Сабзавор, кейин (1383) Сеистоннинг Зирех, Зова, Фараҳ ва Буст қалъалари, 1384 йилда Астробод вилояти ва Озарбайжоннинг Омул, Сори, Султония ва Табриз шаҳарлари буйсундирилди

1371, 1373, 1375, 1379, 1388-йилларда Хоразмга қарши беш марта юриш қилди ва уни буйсундирди. 1371-1389-йилларда Мўғулистон буйсундирилган

«Уч йиллик» (1386 - 88) ҳарбий юришлар оқибатида Жанубий Озарбайжон, Ироқнинг шим қисми. Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерлар эгалланди

Амир Темур бутун эътиборини Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осий ва Ҳиндистон ерларини узил-кесил забт этишга қаратди. У **«беш йиллик»** (1392 — 96) уруш давомида Ғарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказни эгаллади, натижада музаффарийлар ва жалоирийлар ҳукмронлиги барҳам топди

Амир Темур 1398-1399 йилларда Ҳиндистонни забт этган

Амир Темурнинг 1399 — 1404 йилларда олиб борган **«етти йиллик»** ҳарбий юришлари натижасида Шомнинг Ҳалаб (Алеппо), Хумс, Баалбек (Баъалбак), Димишқ (Дамашқ) каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабнинг Убулистон ўлкаси (қад. Каппадокия) билан Бағдод, шунингдек Туркиянинг катта қисми забт этилади. Анқара жангида Амир Темур жаҳоннинг буюк саркардаларидан бири Боязид Йилдирим устидан ғалаба қозонди

Амир Темурнинг энг йирик ҳарбий юришлари

ОЛТИН ЎРДАГА ҚАРШИ ЮРИШЛАР:

- Биринчи марта 1389
- Иккинчи марта 1391-
Қундузча жанги
- Учинчи марта 1394-
1395 Шимолий
Кавказдаги Терек
дарёси бўйидаги жанг

- 1371, 1373, 1375, 1379,
1388-йилларда
Хоразмдаги сўфийлар
сулоласи хукмдорларига
қарши кураш

ЭРОНГА ҚАРШИ ЮРИШЛАР:

- уч йиллик юриш-1386-
88 (Эрон, Озарбайжон,
Грузия, Арманистон)
- 1387 Исфакон
- беш йиллик юриш-
1392-1396
- етти йиллик юриш-
1399-1404

1398-1399 - Ҳиндистон юриши

- 1402 йил Анқара
жанги. Бу жанг
XV асрнинг энг
йирик
урушларидан
биридир. Амир
Темур ўз
даврининг энг
кучли подноси
бўлган Боязид
Елдирирни
мағлуб этган.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ



- | | |
|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> ←..... Амир Темурнинг 1365–1381 йиллардаги ҳарбий юришлари ←..... Амир Темурнинг Эрон, Арманистонга 1385–1387 йиллардаги уч йиллик ҳарбий юриши ←..... Амир Темурнинг Тухтамишга қарши 1391 йилдаги ҳарбий юриши ←..... Амир Темурнинг Эронга, Кавказортига, Тухтамишга қарши Сарой Беркага 1392–1399 йиллардаги беш йиллик ҳарбий юришлари ←..... Амир Темурнинг Эронга, Туркияга, Шомга 1399–1404 йиллардаги етти йиллик ҳарбий юришлари | <ul style="list-style-type: none"> →..... Амир Темурнинг Хиндистонга 1398–1399 йиллардаги ҳарбий юриши ←..... Амир Темурнинг Хоразмга ҳарбий юришлари ■..... Амир Темур давлати ■..... Амир Темурга бўйсунувчи қарам давлатлар ва ҳудудлар ⊙..... Мухим жанглар бўлган жойлар ва йиллар ⊙..... Амир Темур давлати пойтахти ⊙..... Олтин Ўрда пойтахти |
|--|--|

Микёс 1:5500000

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ МАРКАЗИЙ БОШҚАРУВИ

- Амир Темур – мутлоқ ҳукмдор
- Девонбеги
- Вазирлар
- Махфий ва очик кенгашлар



Амир Темур давлатининг марказий бошқарув тизими

АМИР - МУТЛОҚ ҲУКМДОР

Мамлакат ва раият аҳволи,
ҳосил, солиқлар, кирим –
чиқимлар билан
шуғулланувчи вазир

Сипоҳ вазири – ҳарбий ишлар
билан шуғулланган

**БОШ ВАЗИР –
Девонбеги**

Мулкчилик ва солиқ ишлари
вазири ўлиб кетганлар,
қачонлар келиб –
кетаётганлар, чорвалар, ўтлоқ-
яйловлар ва улардан
олинадиган даромадларни
назорат қилувчи вазир

Салтанат ишларини
юритувчи вазир

Чегара ерлар ва тобе давлатлар иши бўйича 3 вазирлик

Солиқ ишлари
билан
шуғулланувчи
вазир

Сипоҳ
ишлари
вазири

Дараксиз йўқолган кишилар, келиб –
кетиб юрувчилар, ҳосил, ақлдан
озганлар, вориссизлар мол-мулки,
қозилар ва шай-хулисломларнинг
ҳукми билан олинган жарималарни
тартибга келтирган

ҚУРУЛТОЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТ ҲАЁТИДАГИ ҶҶРНИ

- Жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилган;
- халқ вакиллари билан кенгашиш воситаси;
- Қурултойда уруш, тинчлик масалалари ёки давлат бошқарувига оид бошқа муҳим ишлар ҳал этилган;
- У олий табақа вакилларининг кенгаши;
- Қурултой бошқарувда жамоат фикрига таяниш имконини яратган;
- Марказий ва маҳаллий бошқарув тизими ўртасидаги алоқадорликнинг таъминлашига таъсир этган;
- Қурултой монархиянинг демократия билан уйғунлашган кўриниши давлатда тенглик, адолат таъминлашнинг шакллантиришга катта таъсир кўрсатган;
- Қурултой давлатнинг манбаи халқ бўлганлигини англатади.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ МАЪМУРИЙ ТУЗИЛИШИ

САЛТАНАТ

Улус

Вилоят

Туман (10 минг аскар етказиб берган)

Ҳазора (минглик)

Сада (юзлик)

Даха (ўнлик)

Вилоят ва туман бошқарувлари

Ҳоким

Молия девони бошлиғи

Адолат амири

Қози

Муфтий

Мутаваллий

Мухтасиб

Кутвол (комендант)

Маҳаллий эркин жамоалар

Маҳалла оқсоқоллари

АМИР ТЕМУРНИНГ ШАХСИДА СИЁСАТ ВА АХЛОҚ УСТУВОРЛИГИ

Унинг шахсида ахлоқ ва сиёсат уйғунлашган

Унда юксак стратегия (сезгирлик, огоҳлик, тезкорлик, имкониятлардан максимал фойдаланиш, узокни кўра билиш) кучли шаклланган эди.

Амир Темур давлат ва халқнинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишдаги асосий воситачи бўлган. Бошқарувда малакали мутахассислар, олимларга таянган.

муҳолифатчилар муаммосини ижобий ҳал қилган. Кучли душманлар кўнглига йўл топган, уларнинг куч-салоҳиятидан давлатни бошқаришда фойдаланган

доимо маслаҳат ва машваратга таянган, юксак сиёсий билимга эга бўлган

эзгу амали, юксак раҳбарлик қобилияти билан катта обрў қозона олган

адолатли, инсофли ва ҳақиқатгўй бўлган, ваъдага вафо қилган, молпарастлик ва таъмагирликдан узок бўлган, унга нисбатан халқнинг ишончи ошиб борган

у ҳар бир вазифани ўз вақтида бажарган, бунинг учун керакли чора-тадбирлар белгилаган

иқтисодий ишларда тежамкорлик, ўртамиёналик йўлини тутган

ўз сиёсатида ортиқча қаттиққўл ёхуд ўта юмшоқ ҳам бўлмаган

камтар, оддий ва содда бўлиб, у «киши ўзига берилган имкон учун Аллоҳ олдида жавоб беради» деган тушунчага таянган ва бошқа кўплаб хислатларга эга бўлган

АМИР ТЕМУР БОШҚАРУВИДА УСТУВОР ХУСУСИЯТЛАР

- Бошқарувда туркий, мўғул ва форсий бошқарув анъаналаридан фойдаланилган, аммо маҳаллий анъаналар устунлик қилган;
- Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли манфаатлари ҳимоя қилинган;
- Давлат мафкуравий, маънавий ва ахлоқий асосларни кучайтиришда шариат қоидаларига таянган;
- Салтанатда халқларнинг тинчлиги, барқарорлиги, қонунийлик ва адолат таъминланган;
- Давлат солиқлар, божлар, *хирож*, *моли омон*, ўлжалар, бадавлат заминдор, тадбиркорларнинг хайрия ҳадялари ва бошқа манбалар эвазига тўлдирилган;
- Давлатда кучли ижтимоий ҳимоя таъминланган;
- Кучли ҳарбий ва мудофаа тизими шаклланган;
- Илғор суд-ҳуқуқ тизими жорий этилган;
- Тадбиркорлик ички ва халқаро миқёсда кенг ривожланган, ер эгалари тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана бошлаган;
- Илм-фанга ҳомийлик қилинган;
- Балки салтанатнинг барча қишлоғу шаҳарларида кўплаб қурилишлар бунёд этилган;
- Буюк Ипак йўлига эътибор берилган ва унинг устидан назорат ўрнатилган;
- Ягона макон, интеграция, глобаллашув асосларининг дастлабки кўринишлари пайдо бўлган;
- Маданиятлар, динлараро кўприк ўрнатилган.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДАГИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАР:

1-сайидлар, уламо, шайхлар ва фозиллар;

2-ақлли кишилар ва кенгаш соҳиблари;

3-дуогўй кишилар;

4-амирлар, сарханглар, сипоҳсолорлар;

5-сипоҳ ва раият;

6-ишончли, тўғри эътиқодли кишилар;

7-вазирлар, девон котиблари ва муншийлар;

9-муҳаддислар, пайғамбарлар ва авлиёлар тарихини ўрганувчи тарихчилар;

10-машойихлар, суфийлар, орифлар;

11-касбу ҳунар эгалари;

12-саёҳатчилар, мусофирлар.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙЙ ТУЗИЛИШИ:

- Бу даврда йирик заминдорлар, ўрта ва кичик ер эгалари ҳаётида сифат ўзгаришлари юз берган;
- Рухонийлар табақаси - шайхулислом, қози, имом хатиб, воиз,мударрис, садр, шайхлар ва бошқалар.
- Савдо аҳллари - тужжорлар, “аҳл-и бозор”, савдогарлар, олиб сотарлар ва б.
- Хунармандлар, уларнинг бирлашмалари - касб-хунар, маориф ва ахлоқий-маърифий маскан бўлган;
- Қишлоқ аҳолиси - Майда хусусий ер эгалари, ижарачилар, эркин деҳқонлар, қуллар
- Ер эгалиги турлари: 1-давлат мулки (мамлака); 2-хусусий ерлар; 3-вақф ерлари; 4-жамоа ерлари;
- Ҳарбийлар: оддий аскар, баҳодирлар, ўн боши, юз боши, минг боши, туманбоши (10.000 аскар бошлиғи), ўн икки даражали амирлик тизимлари, бекларбеги, амир ул–умаро (жами 313 амирлар);
- Зиёли аҳоли ва ҳарбийлар
- Мутахассисларни танлашда номзоднинг насл-насаби, касбий малакаси, соғлиги, ақл-фаросати, юксак маънавий ахлоқи, кўрсатган жасорат ҳамда хизматларига эътибор берилган.
- Кам таъминланган табақалар ижтимоий ҳимоя қилинган, деҳқонлар ва савдогарликнинг фаолият бошлашларига хатто камбағалларнинг уй-жой қурилишларида ҳам фоизсиз давлат кўмак берган
- Раият – хазина – қўшиннинг бойлиги салтанат қудратининг таянчи деб тушунилган.

СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИ:

- Дорулиморат- хокимлик бошқармаси;
- қозихона-суд идораси;
- доруладолат-адлия бошқармаси;
- фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи қозиликлар;
- шариат ишлари билан шуғулланувчи қозиликлар;
- ҳарбий ишлар билан шуғулланувчи қозиликлар;
- Асаслар - кеча қоровуллари, қидирув ишлари бошлиқлари;
- қўрчи - давлатнинг қурол-яроғларини авайлаб-асраган маъмурлар;
- кундузги, тунги, фуқаролик ва ҳарбий ишларга тегишли бўлинмалар;
- муҳтасиб - тошу тарозилар, маънавий гуноҳлар учун жазони тайинловчи кишилар;
- арзбегилар – аҳолидан тушган арз-шикоятларни кўриб чиқиб, муҳим чоралар белгилаган.

ДАВЛАТ МУДОФААСИ

Ички хавфлар: уларни келтириб чиқарувчи омиллар ҳар тарафлама чуқур ўрганилган. Ноқулай вазиятлар келиб чиқишининг олди олинган

Ташқи хавфлар: чегарадан ўтиб келган ҳар бир киши, қўшни давлатлардаги аҳвол синчковлик билан ўрганилган. Амир Темур саройида жосуслик хизмати кучайтирилган

Сарой, девонни қўриқловчи 16000 кишидан иборат доимий бўлинма мавжуд бўлган

Давлат ерлари – Мовароуннахр, қарам вилоятлар, чегара ҳудудларни қўриқловчи қўшиндан иборат доимий бўлинмалар мавжуд бўлган

АМИР ТЕМУР ҲАРБИЙ ҚЎШИНИНИНГ ТУЗИЛИШИ

(Амир Темур қўшинида жами 313 амир фаолият кўрсатган)



Бекларбегилар

Соҳибқирон буюк бунёдкор

Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнга кўчат эктирдим

АМИР ТЕМУР

- Амир Темур даврида Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур уста-хунармандлари мамлакатда ҳашаматли иморату иншоотлар бино қилганлар;
- Амир Темур забт этган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарлари Бағдод, Дарбанд, Байлақонни қайта тиклади ва салтанатнинг барча шаҳару қишлоқларида кенг бунёдкорлик ишларини олиб борди;
- Амир Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара қурдирган бўлса-да, лекин асосий эътиборини она шаҳри Кеш ва пойтахти Самарқандга қаратди;
- У салтанат қудратини қурилишларда ифода этган. Унинг қурилишларида Шарқ ва мусулмон дунёсининг тафаккури ўз ифодасини топган. Барча соҳаларда трансформациялашув жараёнлари кечган.

КЕШДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан масжид қурдирди

Амир Темур ҳукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободончилигига катта аҳамият берди, бу ерда машҳур ОҚСАРОЙ қад кўтарди

Амир Темур Кешни Мовароуннахрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар «Қуббат ул-илм вал-адаб» унвонига эга бўлди

Амир Темурнинг салтанат пойтахти Самарқанддаги бунёдкорлик фаолияти

- Салтанат пойтахти Самарқанд Амир Темур даврида гуллаб яшнади;
- Шаҳарда Исфаҳон, Шероз, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарларининг меъмору бинокорлари қўли билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилади;
- Шаҳар ташқарисида боғу бўстонлар барпо этилади;
- Шоҳизинда меъморий мажмуасига мансуб Шодимулк оға мақбараси, Ширинбека оға мақбараси ва бошқалар қурилади;
- Шаҳарда Бибихоним жоме масжиди, Амир Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсаройлар қад кўтаради;
- Умуман олганда Самарқанд ш. Амир Темур даврида ўзининг қадимий ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгитдан қурилди;
- Шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори билан ўралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи 6 та дарвоза ўрнатилди. Мовароуннахрнинг деҳқончилик воҳаларида, хусусан Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Янги қишлоқлар барпо этилди;
- Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Димишқ (Дамашқ), Миср, Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан атади;
- Амир Темурнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди.

Агар Темур қаерда фан, маданият ва санъат аҳлини учратса, уларни ўз ҳомийлигига олар, уларга иззат-икром кўрсатар, уларнинг тарбиясига аҳамият берар ҳамда бу зотлардан ўз олий мажлисида надим (маслаҳатчи) сифатида ва бошқа лавозимларларда фойдаланарди.

АЛИШЕР НАВОИЙ

Амир Темур етук донишманд ва илм-фан ҳомийси


- Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. У тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндалари, шунингдек, илоҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур уламолар билан музокаралар ўтказган;
- Амир Темур саройида уламолардан мавлоно Абдужаббор Хоразмий, мавлоно Шамсуддин Мунши, мавлоно Абдулло Лисон, мавлоно Баҳруддин Аҳмад, мавлоно Нуъмонуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокий ва бошқалар хизмат қиларди;
- Амир Темур давлат пойтахтига мусулмон оламининг энг машҳур ва билимдон олиму-уламоларини тўплашга интиланган. Уларни ҳар томонлама ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилган, давлатни бошқаришда олимларнинг маслаҳатларига таянган ва улардан фойдаланган;
- Амир Темур ўз даврида энг бой бўлган кутубхона ташкил қилдирган. Бу кутубхонага қадимги юнон-рим олимлари, араб дунёси, Ўрта Осиё Уйғониш даври буюк олим ва мутафаккирларининг асарлари тўпланган ва янги илмий кашфиётларни амалга оширишга қулай шароитлар яратилган;
- Улуғбек академияси ҳам Амир Темур томонидан илм-фан соҳасига қўйилган пойдеворнинг маҳсулидир;
- Буюк ипак йўли, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг ривожланиши маданиятлараро, жумладан, илм-фан ўртасидаги алоқаларни ҳам ривожлантиришга, бу соҳада кенг интеграция жараёнларининг юзага келишига туртки берган;
- Амир Темурнинг 27 давлатни бирлаштирган салтанатида мустаҳкам давлат бошқарув тизимининг яратилиши, адолат, тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт учун катта имкониятларнинг мавжудлиги илм-фан равнақиға ҳам муҳим таъсир кўрсатган.

Амир Темурнинг тарихдаги хизматлари

- Амир Темур юртимизда илдиз отган мўғуллар зулмига узил-кесил барҳам берди;
- майда давлатларга бўлиниб кетган, тарқоқлик, ички урушлар ва адолатсизликлар ҳукм сурган Мовароуннахрни ягона давлатга бирлаштириб, унинг бошқарув асосларини шакллантирди ва мустаҳкамлади;
- Давлат бошқарув асосларини такомиллаштириб янги босқичга кўтарди;
- қонун устувор бўлган жамият асосларини барпо этди;
- салтанатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий асосларини мустаҳкамлади;
- нисбатан қисқа вақт ичида Мовароуннахрни дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирига айлантди;
- Осиё, Африка, Европа минтақаларидаги халқларнинг тинчлиги, фаровонлиги учун катта хизматлар қилди ва халқаро майдонда адолатни таъминлаш учун курашди;
- турли дин, миллат, элат вакиллари ўртасида ўзаро алоқаларнинг ўрнатилиши оқибатида биринчи марта ягона макон ва интеграция ғоялари шакллана бошлади;

- Салтанатда ислом динининг илмий асосларига, бағрикенглик тамойилларига таянилиб давлат бошқаруви амалга оширилган;
- Амир Темур ҳукмронлиги даврида давлат, жамият ва шахс манфаатлари уйғунлаштирилди;
- Бу даврда салтанат ҳаётида сиёсий, иқтисодий ва маънавий барқарорлик ўрнатилган;
- Давлат бошқарувининг муҳим соҳаларидаги фаолият адолат, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида ташкиллаштирилган ҳамда чиқарилган қонунлар шу мақсадларга йўналтирилиб, ўз вақтида ижросини топган;
- Амир Темур биринчи маротаба ғарб ва шарқ халқлари ўртасида ҳамкорлик кўпригини ўрнатган. Бугун унинг бу фаолияти «қўл чўзиш сиёсати» деб баҳоланмоқда;
- Салтанатнинг барча ҳудудларида кенг бунёкорлик ишлари олиб борилган;
- Амир Темур давлатида илм-фан, маънавият, меъморчилик ва санъат беқиёс даражада ривож топди ва фанда бу ҳақли равишда иккинчи Уйғониш даври деб талқин этилди.


Гўри Амир макбараси




Gur-i Amir Mausoleum (Samarkand, XV)



از عساکر فیروز می آید که بجنگاشی دعوت کرینچگان رفت به بودند سلطان محمود خان
 به ایله درم بایزید پسید و او را و تیکم کرده دست بسته بر گناه عالم نپناه آورد



حق نکارم پادشاهانه در حرکت آمد و امیر فرمود که او را دست گشاده بجز
 آوردند و چون بخت تملاتی استعدایافت مورد او را به ایش از واکرام تملی



Бибихоним жоме масжиди.

Султон Махмудхон асир олинган Султон Боязид Йилдиримни Амир Темурига келтирляпти. «Зафарнома» асарига ишланган миниатюра. Шероз (1553).

Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир- давлат арбоби ва буюк саркарда	1336-1405
Сабзаворда сарбадорлар ҳаракатининг бошланиши	1337
Важухуддин Маъсуд бошлиқ сарбадорлар ҳукумати тузулиши	1338
Амир Темур- Кеш ҳокими	1361
Амир Темур билан Амир Хусайннинг Тўғлуқ Темурга қарши иттифоқи	1361
Амир Темур ва Амир Хусайннинг Илёсхўжа билан тўқнашуви («Жанги лой»)	1365
Мўғул хони Илёсхўжанинг Самарқандни қамал қилиши	1365
Самарқандда сарбадорлар кўзғолони (Мавлонзода ва Абу Бакр Қулуйи наддоф)	1365
Амир Хусайн- Мовароуннаҳр ҳокими	1366
Амир Хусайн томонидан сарбадорлар раҳбарларининг қатл этилиши	1366
Амир Темурнинг Амир Хусайнга қарши кураши	1366-1370
Амир Темур- Мовароуннаҳр ҳокими	1370
Амир Темурнинг Олтин Урда ва Хоразмга юришлари	1372-1375
Амир Темурнинг «Уч йиллик юриш» лари (Эрон, Кавказорти)	1386-1388
Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг ўрта Осиёдан қувиб чиқарилиши	1388

Амир Темурнинг «Беш йиллик юриш» лари	1392-1396
Амир Темурнинг Ҳиндистонни забт этиши	1398-1399
Амир Темурнинг «Етти йиллик юриш» лари	1399-1404
Амир Темур билан Йилдирим Боязид тўқнашуви (Анқара жанги)	1402
Шахрисабзда Оқсарой қурилиши	14-аср охири – 15-аср боши
Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбараси қурилиши	14-аср охири – 15-аср боши
Самарқандда Бибихоним масжиди қурилиши	1399-1404
Баҳовуддин Нақшбандий Саид Муҳаммад ибн Жалолуддин-нақшбандийлик тариқати асосчиси	1318-1389
Қозизода Румий Салоҳиддин Мусо ибн Махмуд- математик ва астроном	1360-1437
Шарафуддин Али Яздий- тарихчи ва шоир, «Зафарнома» (1419-25) муаллифи	? – 1454
Ибн Арабшоҳ Шохобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абудллох ибн Иброҳим- араб тарихчиси. «Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари» асари машҳур	1388-1450
Клавиҳо Руи Гонсалес- испан сайёҳи. Амир Темур саройига элчилар бошлиги сифатида келган. «Буюк Темур тарихи» асарининг муаллифи	1404-1406

Мовароуннахр ва Хуросонни бошқарган темурийлар

**Шохрух ибн Темур
(1409-1447)**



**Улуғбек ибн Шохрух
(1447-1449)**



**Абу Саид ибн Султон
Муҳаммад
(1458-1469)**

Темурийлар сулоласи Мовароуннаҳрда (пойтахти Самарқанд)




Халил Султон	1405-1409
Улуғбек	1409-1449
Абдуллатиф	1449-1450
Абдуллоҳ Мирзо	1450-1451
Абу Саид ибн Султон Муҳаммад	1451-1469
Султон Аҳмад ибн Абу Саид	1469-1494
Султон Махмуд ибн Саид	1494-1498
Султон Али ибн Султон Махмуд	1498-1500

Темурийлар сулоласи Хуросонда (пойтахти Ҳирот)



Шохрух	1396-1447
Улуғбек	1447-1449
Абулқосим Бобур	1449-1457
Абу Саид ибн Султон Муҳаммад	1458-1469
Султон Махмуд ибн Абулқосим Бобур	1457-1459
Султон Хусайн ибн Мирзо Мансур бинни Мирзо Байқаро	1470-1506
Бадиуззамон ибн Султон Хусайн	1506-1507

Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган Амир Темур ва унинг авлодлари






**Амир Темур ва Темурийлар даврида бунёд этилган
меъморий обидалар ва боғлар**

Самарқандда:
Ғўри Амир мақбараси
Шохи Зинда ансамбли
мажмуи
Кўк сарой
Бўстонсарой
Бибихоним масжиди ва
мадрасаси
Улуғбек мадрасаси
Улуғбек расадхонаси
Боғи Дилкушо
Боғи Беҳишт
Боғи Жахонаро
Боғи Нав
Боғи Давлатобод
Боғи Шамол
Боғи Зағон
Боғи Майдон в.б.

**Хирот ва унинг
атрофида:**
Бойсунқур
Нигористони
Гавхаршодбегим
мадрасаси
Ихлосия мадрасаси
Халосия хонақоси
Шифоя шифохонаси
Хусайн Бойқаро
даврида қурилган 300
дан зиёд ноёб
иншоотлар: масжид-у
мадрасалар,
мақбара-ю
шифохоналар, работ-у
карвонсаройлар, сув
ҳавзалари, кўприклар
в.б.

Тошкент атрофида
қурилган Зангиота
мақбара мажмуи
Туркистонда Аҳмад
Яссавий мақбара
мажмуи
Шаҳрисабздаги
Оқсарой мажмуи
Бухоро, Гиждувонда
барпо этилган масжид,
мадрасалар
Тошкент яқинида
Шохрухия шаҳри
қурилиши



Амир Темур қўшинлари Ҳиндистондаги қалъани олиши. «Зафарнома» асарига ишланган миниатюра. Шероз (1553).

Амир Темур ҳузурида базм. «Зафарнома» асарига ишланган миниатюра (1628).

Улуғбек академияси олимлари ижодидан намуналар

Мирзо Улуғбек
қаламига мансуб
асарлар:

- “Зижи Кўрагоний”. Бу асарда 1018 та юлдузнинг ўрни, ҳолати, аниқланган. Жаҳондаги 683 та географик жойларнинг Самарқанд кенглигига нисбатан координатлари белгиланган.
- “Тўрт улус тарихи”

Қозизода Румий
асарлари:

- “Рисола фил ҳисоб” (Ҳисобга доир рисола)
- “Шарҳи Мулаххас фил-ҳайъат” (Астрономия асосларига шарҳ)
- “Рисолатул жайб” (Синус ҳақида рисола)
- Тафтазониянинг “Муфтахул-улум” (Илмлар калити) асарига шарҳ


Ғиёсиддин Жамшид
асарлари:

- “Суслам ус-само” (Осмон нарвони)
- “Рисолат ул-жайб” (Ватарлар ва синус ҳақида рисола)

Али Қушчи
асарлари

- “Рисола дар илми ҳисоб”
- “Рисолаи қусур”
- “Рисола дар хандаса”
- “Рисола дар фалакиёт”
- “Рисола дар илми ҳайъат”
- “Рисолаи мантиқ”

Улугбек расадхонасининг умумий кўри-
ниши (реконструкция).





Самовий юлдузларга оид тадқиқотлар намуналари



مشرق



شمال

سازمانی جویبار و مرکز است



مغرب



مغرب

شرق

Самовий юлдузларга оид тадқиқотлар намуналари

مغرب



مغرب

شرق

ماركان ۱۱-۱۰-۹-۸
هدت نرنگان است

شمال



مغرب

جنوب

شمال



شرق

جنوب



Самовий юлдузларга оид тадқиқотлар намуналари





Navo'iy

Алишер Навоийнинг ижод гулшани

Жами 51 минг мисрадан иборат 5 та гўзал дostonни ўзида жам этган машхур “Хамса” асари:

- “Хайратул Аброр”;
- “Фарход ва Ширин”;
- “Лайли ва Мажнун”;
- “Саббайи Сайёр”;
- “Садди Искандарий”.

- 45 минг мисрадан иборат “Хазоинулмаоний” (Маънолар хазинаси) асари;
- “Муҳокаматул луғатайн” (Икки тил муҳокамаси);
- “Мажолис ул-Нафоис” (нафис мажлислар);
- “Махбуб ул-қулуб” (Кўнгиллар махбуби);
- “Меъзон ул-авзон” (Вазнлар ўлчови) в.б.

- 12 минг мисрани жам этган, Фоний тахаллусида битилган форсий тилдаги нафис бадий асалар:
- Муфрадот;
- Ситтаи зарурия;
- Фусуми арбая.



4 та мадраса:

**Ихлосия,
Шифоия,
Низомия,
Хусравия**

**25 дан ортиқ
масжид**

11 та хонақоҳ

**50га яқин
работ**

**Алишер Навоий
томонидан бунёд
этилган
иншоотлар**

18 та ҳовуз

16 та кўприк


1 та тўғон

9 та ҳаммом

БОБУРИЙЛАР ДАВЛАТИ

16а. ўрталари - 17а

270 0 270 540



- Акбар давлати чегараси (1556)
- Бобурийлар империясининг чегараси (1605)
- Акбар тузган 15 субанинг чегараси
- Суба (вилоят)лар маркази
- ⊙ Бобурийлар давлати пойтахти
- ✕ 1556 Мухим жанг бўлган жой ва ғилдлар
- ▨ 16-17а-ларда бўлиб ўтган халқ қўзғоловларининг асосий районлари
- ➔ Бобурийларнинг Ўрта Осиёга юриши
- ▬ Аврангзеб давридаги Бобурийлар давлатининг чегараси
- - - Давлатлар чегаралари (1648)
- Бобурийлар давлати таркибидagi ярим мустақил ва мустақил худудлар
- (Порт.) 17-а ўрталарида европаликлар мулки

Рақамлар билан кўрсатилган:
Акбар тузган суба (вилоят)лар

- | | | | |
|-----------|--------------|---------------|----------------|
| 1. Кобул | 5. Ажмир | 9. Малва | 13. Берар |
| 2. Лахор | 6. Агра | 10. Оллохобод | 14. Ахмаднагар |
| 3. Мўлтон | 7. Ау | 11. Бихар | 15. Бенгалия |
| 4. Дехли | 8. Ахмадобод | 12. Кхандеш | |


- Князликлар
- | | |
|-----------|----------|
| 1 Майсур | 3 Мадура |
| 2 Малабар | 4 Танжур |



«Бобурнома» миниатюралари: Бобур Бенгалия элчисини қабул қилмоқда.



Бобур қулон овида.



Бобур Ҳиротдаги «Жаҳоноро» боғида Бадиуззамон Мирзо ҳузурида меҳмондорчиликда
(«Бобурнома»да ишланган миниатюра)

Бобур Кобул яқинидаги ўз боғида ариқ ўтқазишни кузатмоқда; 1504—05 й лар воқеаси



Темурийлар даври меъморчилиги намуналари

